

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил октябрь ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: Ж.Ҳайдаров, судья ёрдамчиси Х.Анаркуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оҳангарон туман прокурорининг катта ёрдамчиси С.Пўлатов, жабрланувчи А.А.А., Б.Б.Б., ва Ш.Ш.Ш., судланувчи М.М.М.,га нисбатан 1-1111-2301/226-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

М.М.М., [REDACTED] йилда Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2016 йил 12 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 55 баравари миқдорида, яъни 5.285.775 сўм жарима жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2016 йил 9 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 12.10.2016 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорнинг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2022 йил 16 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-модда 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2022 йил 12 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57,59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаларига асосан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

4) жиноят ишлари бўйича Оҳангарон тумани судининг 2023 йил 6 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум



қилинган, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 5 йил 9 ой озодликдан махрум қилинган;

5) жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2023 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57,59-моддаси 8-қисмига асосан 6 йил озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланган, [REDACTED]

[REDACTED] да яшовчи, иш бўйича унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2023 йил 22 августдаги ажримига асосан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 8 сентябрда олган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 3-қисми ва 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи М.М.М., 2021 йил май ойида такроран ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED] яшовчи Ш.Ш.Ш,га ўзини туман кадастр бўлими ходими деб таништириб, унга Оҳангарон тумани “Сартамағали” М.Ф.Й., Тункент кўчасида жойлашган уйини кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, уни алдаб, ишончига кириб, жами 3.500.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, 20.11.2021 йилда Оҳангарон тумани “Қуюн” М.Ф.Й., Тункент кўчаси 76^а-уй учун расмийлаштирилган УК-1727212/992172-рақамли кадастр паспортини ҳақиқатга тўғри келмайдиган, сохта маълумотлар асосида қалбакилаштириб, ушбу кадастр паспорти қалбаки эканлигини олдиндан билгани ҳолда Ш.Ш.Ш,га Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги Давлат кадастрлар палатаси Тошкент вилояти бошқармаси Оҳангарон тумани филиали томонидан берилганлигига ишонтириб, унга тақдим қилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил май ойида, такроран ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED]



да яшовчи Б.Б.Б.,га ўзини туман кадастр бўлими ходими деб таништириб, унга уйининг кадастр хужжатларини расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, уни алдаб, ишончига кириб, ундан жами 4.850.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, такроран, 10.05.2021 йилда Б.Б.Б.,га ундан олгани 1.200.000 сўм пулларни туман кадастр бўлимига кирим қилишини айтиб, ушбу пуллар учун “Ёнғинни олдини олиш ва биноларни лойихалаштириш” МЧЖга тегишли бўлган 1 дона № 22-рақамли тўлов квитанциясини сохта маълумотлар асосида қалбакилаштириб, 12.01.2022 йилда Б.Б.Б.,га ундан олгани 2.450.000 сўм пулларни туман кадастр бўлимига кирим қилишини айтиб, ушбу пуллар учун “Ёнғинни олдини олиш ва биноларни лойихалаштириш” МЧЖга тегишли бўлган 1 дона № 25-рақамли тўлов квитанциясини сохта маълумотлар асосида қалбакилаштириб, ушбу тўлов квитанцияларини қалбаки эканлигини олдиндан билгани ҳолда Б.Б.Б.,га Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги Давлат кадастрлар палатаси Тошкент вилояти бошқармаси Оҳангарон тумани филиали томонидан берилганлигига ишонтириб, унга тақдим қилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил май ойида, такроран ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, да яшовчи А.А.А.,га ўзини туман кадастр бўлими ходими деб таништириб, унга Оҳангарон тумани “Қуюн” М.Ф.Й., Форовон кўчаси 59-уйининг кадастр хужжатларини расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, уни алдаб, ишончига кириб, жами 5.300.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, такроран 06.10.2021 йилда Оҳангарон тумани “Қуюн” М.Ф.Й., Форовон кўчаси 59-уй учун расмийлаштирилган ҲК-1727212/943954-рақамли кадастр паспортини ҳақиқатга тўғри келмайдиган, сохта маълумотлар асосида қалбакилаштириб, ушбу кадастр паспорти қалбаки эканлигини олдиндан билгани ҳолда А.А.А.,га Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги Давлат кадастрлар палатаси Тошкент вилояти бошқармаси Оҳангарон тумани филиали томонидан берилганлигига ишонтириб, унга тақдим қилганлиги аниқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи М.М.М., айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2009 йилдан 2015 йилга қадар Оҳангарон тумани кадастр бўлимида турли лавозимларда ишлаб келганини, у кадастр бўлимидан ўз хошишига кўра ишдан бўшаганини, шундан сўнг у 2021 йилдан бошлаб, Оҳангарон тумани ва Оҳангарон шаҳрида яшовчи фуқароларни хонадонларига бориб, фуқароларга ўзини Оҳангарон шаҳрида жойлашган кадастр бўлимини маъсул ходими сифатида таништириб, кадастр хужжатлари



расмийлаштирилмаган уйларга кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришини айтиб, фуқароларни алдаб фирибгарлик жиноятларини содир этганини, 2021 йил май ойида [REDACTED] да яшовчи Ш.Ш.Ш.,га ўзимни туман кадастр бўлими ходими деб таништириб, унга [REDACTED] да жойлашган янги қурилган уйини кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, Ш.Ш.Ш.,дан жами 3.500.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, ушбу пулларни ўзини эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, у Шерали акани ишонтириш учун ўзи кадастр бўлимида ишлаган вақтида фойдалангани кадастр ҳужжатларини электрон наъмуналаридан фойдаланиб, юридик кучга эга бўлмаган турар жойнинг паспортини компьютерда ясаб, ушбу қалбаки ҳужжатларни Шерали акага бериб, мазкур ҳужжатлар уни уйини ҳужжатлари эканлигига ишонтирганини, аслида ушбу ҳужжатлар ҳеч қандай юридик кучга эга эмас, ҳеч қаердан рўйхатдан ўтмаганини, бундан ташқари 2021 йил май ойида Оҳангарон тумани, “Сартамғали” М.Ф.Й., Тункент кўчаси 75-уйда яшовчи Душаев Бехзод Гуляметдиновичга ўзини туман кадастр бўлими ходими деб таништириб, унга уйининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, Б.Б.Б.,дан жами 4.850.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан эгаллаб олиб, мазкур пулларни ўзи эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, у кадастр бўлимида маълум муддат ишлаганидан сўнг Оҳангарон шаҳрида жойлашган “Ёнғинни олдини олиш ва биноларни лойихалаштириш” МЧЖда ҳам ишлаганини, у Б.Б.Б.,ни ўзини кадастр бўлимида ишлаётганлигига ишонтириш учун “Ёнғинни олдини олиш ва биноларни лойихалаштириш” МЧЖга тегишли бўлган ҳамда ўзида сақланиб қолган тўлов қвитанцияларини Б.Б.Б.,дан олган пулларини олганидан сўнг ушбу пулларни маълум суммасини тўлов қвитанцияларидан бирига Б.Б.Б.,ни отаси Г.Душаевни номидан тўлов амалга оширилганлиги иккинчи қвитанцияга Б.Б.Б.,ни укаси Р.Турсунбоев томонидан тўлов қилинганлиги ҳақида ёзиб, Б.Б.Б.,га ушбу икки қвитанцияларни тақдим қилганини, у Г.Душаевдан ҳам Р.Турсунбоевдан ҳам пулларни олмаганини, Б.Б.Б., укаси Р.Турсунбоев ҳамда отаси Г.Душаевни номига қвитанция ёзиб беришини сўрагани учун у Р.Турсунбоев ҳамда Г.Душаевларни номига қвитанция ёзганини, аслида ушбу икки қвитанцияларни “Ёнғинни олдини олиш ва биноларни лойихалаштириш” МЧЖга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, у фақатгина Б.Б.Б.,ни ишонтириш учун шундай йўлдан фойдаланганини, у Б.Б.Б.,дан олган пулларини юқорида айтиб ўтганидек ўзини эҳтиёжлари учун сарфлаганини, мазкур пулларни Б.Б.Б.,дан олганлиги бўйича “Ёнғинни олдини олиш ва биноларни лойихалаштириш” МЧЖ раҳбарини хабари бўлмаганини, ушбу пулларни МЧЖга кирим қилинмаганини, бундан ташқари, 2021 йил май ойи ўрталарида, ҳозир санасини аниқ айтиб бераолмайман Оҳангарон тумани “Қуюн” М.Ф.Й., Форовон кўчаси 59-уйда



яшовчи А.А.А.,га ўзини туман кадастр бўлими ходими деб таништириб, унга [REDACTED]нинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришимни ваъда қилиб, А.А.А.,дан жами 5.300.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан эгаллаб, ушбу пулларни ўзини эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, у А.А.А.,акани ишонтириш учун ўзи кадастр бўлимида ишлаган вақтида фойдалангани кадастр ҳужжатларини наъмуналаридан фойдаланиб, юридик кучга эга бўлмаган турар жойнинг паспортини компьютерда ясаб, ушбу қалбаки ҳужжатни А.А.А.,акага бериб, мазкур ҳужжатлар уни уйини ҳужжатлари эканлигига ишонтирганини, аслида ушбу ҳужжатлар ҳеч қандай юридик кучга эга эмаслигини, у ҳозирги кунда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, жабрланувчи А.А.А., Б.Б.Б., ва Ш.Ш.Ш.,ларга етказилган зарарларни қоплашга имкони йўқлигини, лекин имкон қадар ушба зарарни жазони ўтаб чиққандан сўнг тўлаб беришини айтиб, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни суддан сўради.

Суддан сўроқ қилинган жабрланувчи А.А.А., қуйидагиларни, яъни у ҳозирги кунда [REDACTED]да доимий рўйхатда туриб, истиқомат қилишини, у [REDACTED] 2021 йил май ойида Оҳангарон тумани Қуюн маҳалласи худудидаги ўзига тегишли яшаш уйимни яъни Оҳангарон тумани, “Қуюн” маҳалласи, Фаровон кўчаси 59-уйни кадастр ҳужжатлари бўлмаганлиги учун уйига кадастр ҳужжатларини расмийлаштирмоқчи бўлиб юрган вақтида, маҳалласи худудида қўшниларидан кадастр бўлмаган уйларни кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бераётган “М.М.М.,” исмли шахс ҳақида эшитганини, шундан сўнг “М.М.М.,”га мурожаат қилганида М.М.М., унга ўзини туман кадастр бўлимида ишлашини айтганини, М.М.М.,дан унга тегишли отасидан қолган хонадон ховлисини ун ва акаси Душаев Тўлқин Турсунбаевичга бўлиб бериб, бўлинган ховлининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш лозимлигини айтган вақтида, “М.М.М.,” унга уйни кадастр ҳужжатларини тайёрлаб беришини айтиб, унга ўзига тегишли бўлган телефон рақамини берганини, шундан сўнг “М.М.М.,” ундан кадастр ҳужжатларини тайёрлаш давомида қонуний тўловлари борлигини шу сабаб, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун унга тўлов қилишини ўзи ушбу пулларни туман кадастр бўлимига кирим қилиб, унга тўлов қоғозини беришини айтганини, М.М.М., унга жами 5.300.000 сўм миқдорида пулларни тўлов қилишини айтганини, у ўша кунни ўзида М.М.М.,га 5.300.000 сўм пулларни тўлов қилганини, М.М.М., пулларни санаб олиб, унга ўзини ёнида тўлов қоғозлари йўқлигини бирор кун келганида унга тўлов қоғозини ёзиб беришини айтиб, у рози бўлганини, М.М.М., кадастр ҳужжатларини 3 ой муддатда тайёр бўлишини айтиб, унга орадан 3 ой вақт ўтганидан сўнг унинг кадастр ҳужжатлари тайёр бўлганлигини айтиб, унга ўзи тайёрлаган кадастр ҳужжатларини тақдим қилганини, шундан сўнг у унинг гапларига



ишониб кадастр ҳужжатларини М.М.М.,дан қабул қилиб олганини, у пулларни М.М.М.,га Оҳангарон тумани Қуюн маҳалласида берганини, шундан сўнг 2022 йил апрель ойларида у акаси Д.Д.Д.,нинг ўғли Б.Б.Б.,дан М.М.М.,нинг фирибгар эканлигини, уни жиноий жавобгарликка тортилганлигини эшитиб билганини, шундан сўнг у ушбу ҳолатни Бехзоддан суриштириб, М.М.М.,нинг иши Оҳангарон туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлимида эканлигини билганини, сўнг М.М.М., берган кадастр ҳужжатларини электрон базадан текшириб кўрган вақтида, ушбу ҳужжатнинг қалбаки эканлигини билиб, шундан сўнг юқоридаги ҳолат юзасидан Оҳангарон тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, ҳозирги кунга қадар унга етказилган 5.300.000 сўм зарар қопланмаганини, лекин ушбу зарардан ўз ихтиёри билан воз кечишини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, кўрсатув берди.

Суддан сўроқ қилинган жабрланувчи Б.Б.Б., қуйидагиларни, яъни у 2021 йил май ойларида уйини кадастр ҳужжатларини тайёрлаб қўйишни ўйлаганини, у қўшниларидан маҳалласи ҳудудида кадастри бўлмаган уйларни кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бераётган “М.М.М.” исмли шахс ҳақида эшитганини, шундан сўнг “М.М.М.”га мурожаат қилганида М.М.М., унга ўзини туман кадастр бўлимида ишлашини айтганини, сўнг у М.М.М.,дан янги қурилган уйини кадастр ҳужжатлари йўқлигини уйини кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришини ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби қандай эканлигини сўраганида “М.М.М.” унга туман кадастр бўлимини улар яшаб келаётган маҳалла бўйича маъсул ходими эканлигини, уйини кадастр ҳужжатларини ўзи тайёрлаб беришини айтиб, унга ўзига тегишли бўлган телефон рақамини берганини, сўнг у “М.М.М.” ундан кадастр ҳужжатларини тайёрлаш давомида қонуний тўловлари борлигини шу сабаб, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун унга тўлов қилишини ўзи ушбу пулларни туман кадастр бўлимига кирим қилиб, унга тўлов қоғозини беришини айтганини, М.М.М., унга жами 4.850.000 сўм миқдоридан пулларни тўлов қилишини айтганини, у 2021 йил май ойида турли саналарида М.М.М.,га бўлиб-бўлиб, уч маротаба жами 4.850.000 сўм пулларни тўлов қилганини, М.М.М., пулларни санаб олиб, унга ўзини ёнида тўлов қоғозлари йўқлигини бирор кун келганида унга тўлов қоғозини ёзиб беришини айтганини, у рози бўлиб, ушбу пулларни “М.М.М.”га Оҳангарон тумани Қуюн маҳалласида берганини, М.М.М., унга 2021 йил 10 май куни дастлаб биринчи маротаба бергани 1.200.000 сўмни қабул қилиб олганлиги бўйича тўлов қоғозини берганини, М.М.М., берган тўлов қоғозини укаси Р.Турсунбоевни номига ёздирганини, аслида М.М.М., билан укаси бир-бирини танимаслигини улар учрашмаганини, 2022 йил 12 январь куни М.М.М., билан учрашиб ундан кадастр ҳужжатларини тайёр бўлганлигини сўраганида М.М.М., унга тез орада тайёр бўлишини айтганини, у ундан ҳеч бўлмаса тўлов қилгани



пулларни квитанцияларини сўраганида ўша ерни ўзида унга иккинчи сафар тўлов қилгани 2.450.000 сўмни қабул қилиб олганлиги бўйича тўлов қоғозини берганини, тўлов қоғозига 12.01.2022 йил деб ёзиб берганини, ушбу қоғозни отаси Г.Душаевни номига ёздирганини, отаси ҳам М.М.М.,ни танимайди у билан учрашмаганини, аслида ушбу пул 2021 йил май ойида берилганини, М.М.М., 2021 йил май ойида ундан учинчи мартаба олгани 1.200.000 сўм пулларни тўлов қилганлиги учун квитанция берганини, М.М.М., унга бергани хар икки тўлов қоғозларида “Ёнғинни олдини олиш ва биноларни лойихалаштириш” МЧЖни номи кўрсатилганини, М.М.М., ушбу ҳолатни мазкур жамиятга у тўлов қилгани пулларни бир қисми ўтказилишини мазкур жамият кадастр ҳужжатларини лойихасини тайёрлаб беришини айтиб изоҳлаганини, сўнг у “М.М.М.”га турли вақтларда кўнғироқ қилган вақтида, “М.М.М.,” унинг кўнғироқларига жавоб бермай қўйганини, шундан сўнг юқоридаги ҳолат юзасидан Оҳангарон тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, ҳозирги кунга қадар унга етказилган 4.850.000 сўм зарар қопланмаганини, лекин ушбу зарардан ўз ихтиёри билан воз кечишини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, кўрсатув берди.

Суддан сўроқ қилинган жабрланувчи Ш.Ш.Ш., қуйидагиларни, яъни у 2021 йил май ойларида Оҳангарон тумани Сартамғали маҳалласи Тункент кўчасида очиқ майдонга уй солиб қурилиш ишларини бошлаганини, шундан сўнг қурилиш ишлари давомида янги қураётган уйини кадастр ҳужжатларини тайёрлаб қўйишни ўйлаганини, у танишларидан М.М.М., исмли туман кадастридан бўлган йигит кадастр ҳужжатлари бўлмаган уйлар учун кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун ҳужжатларни қабул қилиб олаётганлигини эшитганини, шундан сўнг “М.М.М.,”га мурожаат қилганида М.М.М., унга ўзини туман кадастр бўлимида ишлашини айтганини, М.М.М.,дан янги қурилган уйини кадастр ҳужжатлари йўқлигини уйини кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришини ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби қандай эканлигини сўраганида “М.М.М.,” унга туман кадастр бўлимини улар яшаб келаётган маҳалла бўйича маъсул ходими эканлигини, уйини кадастр ҳужжатларини ўзи тайёрлаб беришини айтганини, унга ўзига тегишли бўлган телефон рақамини бериб, шундан сўнг “М.М.М.,” ундан кадастр ҳужжатларини тайёрлаш давомида қонуний тўловлари борлигини, шу сабаб кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун унга тўлов қилишини ўзи ушбу пулларни туман кадастр бўлимига кирим қилиб, унга тўлов қоғозини беришини айтганини, “М.М.М.,” унга кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун Оҳангарон тумани хокимининг қарори зарур бўлишини, ушбу қарорни олиши учун унга 1.500.000 сўм миқдоридаги пулни тўлов қилишини, ушбу пулларни банкка ўзи тўлаб қўйишини айтганини, уни ўша вақтда 1.300.000 сўм миқдоридаги пуллари борлиги бошқа пуллари йўқлиги сабаб, М.М.М.,га ушбу пулларни тўлов қилганини, М.М.М., ундан пулларни



олиб, ҳужжатларни тез орада тайёрлаб беришини айтганини, шундан сўнг “М.М.М.” ундан кадастр ҳужжатларини тайёрлаши учун яна 2.200.000 сўм миқдоридаги пулларни тўлов қилишини айтиб, ундан ушбу пулларни олганини, М.М.М., у тўловини қилгани пулларни квитанциясини беришини айтганини, лекин М.М.М., унга ҳеч қандай квитанцияларни берганини, шундан сўнг у М.М.М.,дан кадастр ҳужжатларини сўраган вақтида “М.М.М.” унга кадастр ҳужжатларини тайёрлаб беришини айтиб, унга 2021 йил ноябрь ойларида кадастр ҳужжатларини бериб, унга ҳужжатдаги шахсий реестр рақамини кўрсатиб, ушбу маълумотларни электрон базага ёзса, янги қурилган уйининг унга тегишли эканлиги ҳақидаги кадастр ҳужжатининг маълумотлари келиб чиқишини айтганини, шундан сўнг у унинг гапларига ишониб, ҳужжатларни “М.М.М.”дан олиб қолганини, 2021 йил ноябрь ойларида у иш зарурати тақозо этганлиги сабабли, Жиззах вилоятининг Зомин туманига хизмат сафарига жўнаб кетганини, Жиззах вилоятида хизмат сафарида юрган вақтида, таниши Ёдгор унга телеграмм ижтимоий тармоғи орқали “М.М.М.” исмли шахс Оҳангарон туманида яшовчи фуқароларга кадастр ҳужжатлари тайёрлаб беришини айтиб, фуқароларни алдаб пулларини ўзлаштириб юрганлигини, унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар Тошкент вилояти ИИББга юборилганлиги мазмунидаги видеороликни ташлаб, алданганлигини айтганини, шундан сўнг мен Жиззах вилоятдан 2022 йил сентябрь ойларида ўзининг яшаш хонадонига қайтиб келиб, Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилояти бошқармасининг Оҳангарон тумани филиалига мурожаат қилиб, “М.М.М.” томонидан тайёрланган ҳужжатларни текширтган вақтида ушбу кадастр ҳужжатларидаги маълумотлар бошқа маълумотлар эканлигини айтишганидан сўнг у “М.М.М.” исмли шахс унга тайёрлаб берган ҳужжатларнинг сохта эканлигига ишонганини, шундан сўнг у “М.М.М.”дан унга берган жами 3.500.000 сўм миқдоридаги пулларни олмоқчи бўлиб, юрганини, лекин у “М.М.М.”ни топа олмаганини, шундан сўнг юқоридаги ҳолат юзасидан Оҳангарон тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, ҳозирги кунга қадар унга етказилган 3.500.000 сўм зарар қопланмаганини, лекин ушбу зарардан ўз ихтиёри билан воз кечишини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи М.М.М.,нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомаси, ашъвий далил деб эътироф этиш ва иш ҳужжатларга қўшиш тўғрисида қарор, шунингдек жиноят ишида тўпланган бошқа ишончга сазовор объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.



Суд жиноят ишида тўпланган М.М.М.,ни ҳам айблайдиган, ҳам оқлайдиган далилларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб, қайд этилган далиллар айбларини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли уларни ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда тўпланганлигини назарда тутиб, уларни мақбул деб, суриштирув, дастлабки тергов даврида ва судда бир хил баён қилинганини ва мантиқан бир бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уларни ишончли деб баҳолади ва бу далилларнинг мажмуини О.Тўрақуловни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси асосида айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Суд, М.М.М., ўзганинг анча миқдордаги мулкни такроран фирибгарлик йўли билан эгаллаганлик жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 228-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан М.М.М.,ни жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Қонун мазмунига кўра, сохталаштирувчининг ўзи фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан тавсифланиб, мазкур модда диспозицияси қалбаки ҳужжатдан фойдаланишни назарда тутувчи ҳаракатларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига кўра, судланувчи М.М.М., ўзи фойдаланиши мақсадида расмий ҳужжатларни қалбакилаштирган бўлиб, бундай ҳолатда унинг ҳаракатини ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд судланувчи М.М.М.,нинг айбловидан ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмини чиқариб, айбловнинг шу қисмини тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ шахснинг содир этган килмишида Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисми айти бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми билан жавобгарликка тортилиши лозимлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, судланувчи М.М.М.,га нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал



тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак”лиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи М.М.М.,га нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, шу қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги тўғрисидаги раҳбарий кўрсатмалардан келиб чиқиб, унинг шахсини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инobatга олиб, қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, мазкур жиноятни аввалги ҳукм чиқарилгунга қадар содир этганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноятлар мажмуи бўйича биринчи ҳукм юзасидан тайинланган жазога, ушбу ҳукм бўйича тайинланадига ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни;

-жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланиб, жабрланувчиларни даъвоси йўқлигини инobatга олишни лозим деб хисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:



М.М.М., Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақидан давлат даромадига 20 (йигирма) фоиз ундириб бориш шarti билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан ҳар ойлик иш ҳақидан давлат даромадига 20 (йигирма) фоиз ундириб бориш шarti билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

М.М.М.,га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2023 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра, тайинланган 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 6 (олти) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо муддатини 2022 йил 10 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

М.М.М.,га нисбатан тайинланган “қамоқ” эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар прокурор ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ж.Ҳайдаров

Аслига тўғри: _____

